O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 20-iyun • № 25 (3957)


### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кутиб олиш, ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак даражада ўтказиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 25 июнига қадар «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғи, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айём эканини чуқур очиб беришга қаратилган маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар уюштириш;

истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам гарови бўлиб келаётганини оммавий тадбирлар орқали акс эттириш;

мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ҳар томонлама кенг тарғиб этиш;

ўтган давр мобайнида кенг кўламлиислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини ифода этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн етти йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда жорий йилнинг 1 июлига қадар республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган дастурларни ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» республика танловини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2008 йил 12 июнь*

### Тошкент — 2200



*Она сайёра — қўриқхона*

## ЕР — ХАЗИНА

***17 июн дунё ҳамжамияти томонидан Саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни сифатида эътироф этилган. Бу жараённи тўхтатиш ва баҳри муҳитга ҳар томонлама мадад бериш бугун инсоният олдидаги энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Сабаби чўл ва саҳроларнинг тобора кенгайиб бораётгани жаҳонда 250 миллион кишининг ҳаёт тарзига бевосита таъсир кўрсатиб, яна бир миллиарддан ортиқ аҳолининг турмуш кечиришига таҳдид солмоқда.***

Осиёнинг қоқ марказида жойлашган бизнинг Марказий Осиё минтақамиз ҳам ана шу жараёндан четда эмас. Шу сабабли мамлакат миқёсида ерларнинг сув-туз ва эрозия ҳолатини яхшилаш, шўрланиш оқибатида она заминнинг зироатчилик эҳтиёжларидан чиқиб қолиши олдини олиш, сувни тежаш ва тупроқ унумини ошириш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни чоқда, ўн миллион гектар яйловнинг экологик ҳолатини яхшилаш зарурати келиб чиқмоқда.

Шу муносабат билан "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ҳамда республика қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан "Ер деградациясига қарши кураш барқарор зироатчилик гарови" мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис депутатлари, манфаатдор вазирлик ва маҳкамалар, илмий тадқиқот ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси Тўланбой Каримов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Абдушукур Хоназаров, "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти раҳбари Юсуфжон Шодиметов, академик Жўрақул Сатторов, республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири Зиновей Новицкий ва бошқа мутахассислар бу борада амалга оширилаётган муҳим тадбирлар ва мавжуд муаммоларни ҳар этиш йўллари ҳақида фикр юритдилар. Айниқса, олимларнинг илғор тавсиялари ва янги технологиялар, тажрибакор деҳқонларнинг иш усуллари, қайта тикланадиган энергия воситаларидан фойдаланиш истиқболлари бу жараёнда муҳим аҳамият касб этиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди.





## УСТОЗЛАРГА ЭРГАШИБ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Ривоят қиладиларки, ҳазрат Алишер Навоий йўлда бораётиб, бир ўспиринни кўриб қолади ва отдан тушиб, унга салом беради. Болага бунча эҳтиром кўрсатилишидан ҳайратланиб, устознинг шериги бунинг сабабини сўрайди. Бу ўспирин ўз устозининг ўғли эканини айтади Навоий. Ҳамроҳ ҳам ўспирин билан илиқ омонлашиб дейдики, ҳазратнинг ўз устози ўғлига эъзози бунчалик эрса, унинг падари бузрукворига бўлган эҳтиромини ифодалашга сўз топилгайми!

Ҳа, устоз-шогирдлик саодатида гап кўп. Бизнинг кунларимизга келиб бу асрий қадрият қайта тиклана бошлагани қувончли ҳолдир.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган устоз ва шогирдлар учрашувида таниқли олимлар, ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши аъзолари, Олий адабиёт курси тингловчилари, уюшма қошидаги "Умид" ёш ижодкорлар тўгараги қатнашчилари иштирок этдилар. Сўз аввалида устозлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг ибратли ишларини давом эттирувчи ёшларга эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Зеро, бугунги кун, ёшлар йилининг талаби ҳам шу.

Йиғилишда Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгашининг раиси Эркин Самандарнинг ёшлар йилида амалга оширилаётган ишлар, янги режалар ҳақидаги ахбороти тингланди. Муҳим тадбирлардан бири Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ва Ёзувчилар уюшмаси томонидан тайёрланаётган ёш драматургларнинг республика семинар-кенгашидир. Унга ёш режиссёр, бастакор ва рассомлар ҳам таклиф этилиши кўзда тутилган.

Қувончлиси шуки, семинар-кенгашга тақдим этиш учун ҳозир ўндан зиёд пиесаларнинг қўлёзмалари тайёр. Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистондан ёш драматурглар асарлари муҳокама учун қабул қилинди. Уларнинг аксарияти замондошларимиз ҳаётини акс эттиришга бағишлангани эътиборга моликдир. Хусусан, фермерлар ҳаётидан ҳикоя этувчи пиеса қизиқиб ўқилмоқда ва уни саҳналаштириш имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Шу куни устозлар иштирокида Ўзбекистон Давлат санъат институти магистранти, ёш драматург Тозагул Мардиеванинг "Соҳибқирон келини" тарихий драмаси муҳокама этилди. Ҳафиз Абдусаматов, Ҳусниддин Шарипов, Ҳайитмат Расул, Омон Мухтор, Турсун Али ва бошқалар пиесанинг ютуқ ва камчиликларига тўхталдилар. Муҳокамада ёш ижодкорлар ҳам фаол иштирок этдилар. Пиеса театр билан ҳамкорликда ишлаб, саҳналаштириш учун тавсия этилди.

Устозлар ва шогирдлар учрашуви мушоира билан якунланди.

**Ўз ахборотимиз**

## ҚАТТА САҲНА САРИ



Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси республика вилоят театрларига амалий ёрдам кўрсатиш, улар фаолиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Шу йилнинг май ва июн ойларида режага асосан бир гуруҳ театршунос-олимлар, мутахассислар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят театрларида сафарда бўлиб, уларнинг ижодий изланишларини ўрганиб қайтдилар. Сафарнинг асосий мақсади — театр жамоалари ва томошабинларнинг узвий алоқасини ўрганиш ва мустаҳкамлаш, саҳналаштирилаётган янги асарларнинг профессионал савиясини кўтариш, барча театрлар саҳналарида замонавий қаҳрамон образини тўлақонли очиш, театрларнинг замонавий драматургияга эътиборини янада кучайтиришдан иборатдир.

Санъатшунослик фанлари докторлари, театр санъати мутахассислари — Муҳаббат Тўлахўжаева, Марфуа Ҳамидова, Тешабой Баяндиев, Сарвиноз Қодирова, санъатшунослик номзоди Тоир Исломов, Дилафрўз Қодирова, Анвар Ёқубхўжаев, Санъат институтининг устоз ўқитувчи-мураббийлари ва "Ўзбектеатр" бирлашмаси ходимлари биргаликда 26 та театр жамоасида бўлиб, сўнгги икки йил давомида яратилган спектаклларни чуқур таҳлил этиб, театр санъаткорларининг ижодий ютуқлари, камчиликлари тўғрисида очиқ мулоқотларда фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.





Профессор Марфуа Ҳамидова бу ҳақда шундай деди:

— Шу йилнинг ўзида мамлакатимиз театрларида 70 га яқин янги асар саҳналаштирилди. Айни пайтда ушбу спектаклларни саралаш, енгил-елпи, бадиий-ғоявий саёз асарлардан воз кечиш, миллий ғурур ва миллий қадриятларимизни тараннум этувчи, мустақиллик неъматларини кенг томошабинлар оммасига, айниқса, ёшларимиз қалбига чуқурроқ сингдиришга хизмат қилувчи бадиий баркамол, замонавий саҳна асарларининг кўпайишига жиддий эътибор бериш даври келди. Мен Самарқанд вилоятининг тўртта театри томошасида бўлиб, уларнинг изланишлари билан танишдим. Шу йили саҳналаштирилган 8 та янги спектакл менда вилоят театрларининг истиқболи ҳақида яхши умидлар уйғотди. Сафардан шундай хулосага келдимки, бугун вилоят театрлари ҳам умумжаҳон театрлари қаторига кириб боришга интилмоқдалар.

Албатта, вилоят театрлари фаолиятида камчиликлар йўқ эмас. Зеро, ижод бор жойда камчилик ҳам бўлади. Ўйлаймизки, мазкур ижодий сафар хулосалари бўйича вилоят театрларининг директорлари, бадиий раҳбарлари, бош режиссёрлари, театршунос-олимлар иштирокида кенгайтирилган илмий-амалий анжуман ўтказилиб, зарур режалар тузиб олинади.

**А.РАҲИМОВ,**
**"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи**

## САУДИЯ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

*Кўргазма*

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари билан турли соҳалардаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқалари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Ўтган ҳафтада Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Саудия Арабистони халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазирлиги ҳамда Халқаро маданий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов сўзга чиқиб, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар йилдан йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳар икки томон учун ҳам аҳамиятли бўлган мулоқотларни янада кенгайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мамлакатларимиз халқларини бир-бирларига нисбатан самимий дўстлик туйғуларигина эмас, маъно-моҳияти бир-бирига яқин урф-одатлар, диний қадриятлар ҳам яқинлаштириб туради, — деди жавоб нутқида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазири жаноб Ияд бин Амин Маданий.

Кўргазмада Саудия Арабистони ижодкорлари яратган тасвирий ва амалий санъат намуналари, фотосуратлар, ҳунармандлик буюмлари намойиш этилди. Ушбу кўргазма Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида ҳам намойиш этилди.



Мамлакатимизга қилган сафари якунида вазир Ияд бин Амин Маданий бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашиб, икки мамлакат зиёлилари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Гўзал ва мафтункор диёрингизга келиш биз учун бениҳоя қувончли воқеа, — деб таъкидлади вазир. — Сафар чоғида пойтахт Тошкентни, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа тарихий шаҳарларни томоша қилдик. Тошкент Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганида катта маъно борлигига амин бўлдик. Ниятимиз бир-бирига руҳан ва қалбан яқин халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада кучайтириш. Шу боис, келажакда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимизни сизлар билан бамаслаҳат режалаштирмоқдамиз.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов иштирок этди.

**Ўз ахборотимиз.**

"ҒАЛЛАБАНК":
сиздан ҳаракат,
биздан
баракат!

"АСАКАБАНК":
ишонч,
унум,
даромад!

